

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Кумуш Абдусаломова

“Ўзкимёсаноат” АЖнинг давлат тилини ривожлантириш бўйича бош мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7194464>

Навоийшуносликда Алишер Навоий ижодининг улуғворлиги, аввало, ундаги мавзулар ва ғоялар оламининг кенглиги, ранг-баранглиги билан асосланади. Алишер Навоий ўз асарларида турли соҳа вакиллари, уларнинг феъл-атвори, касб-кори, фазилат, иллатлари хусусида сўз юритар экан, узоқ йиллик тажрибасига таянади. Навоий даҳосининг ана шундай донишмандлик билан босиб ўтган умр йўлини ўзида акс эттирган инсоният камолоти учун хизмат қилишга мўлжалланган асари “Маҳбуб ул-қулуб” дир. Эътибор қаратилса, “Маҳбуб ул-қулуб”да бошдан-оёқ реал воқеалар тасвирланган. Навоий насрда ифодаланган мақсадини янада таъсирчанроқ, ишончли асослаш учун назмга мурожаат қилади. “Маҳбуб ул-қулуб” асари насрий-шеърий усулда яратилган.

Алишер Навоий асарда ночор ва нотавон қолган пайтлари, хусусан, ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро саройида уюштирилган фитналар қурбонига айланиб, изтироб гирдобида руҳан ёлғизлик азобини тортган лаҳзаларни “Маҳбуб ул-қулуб”да баён этади. Бундай дамларда умидсизликка тушса-да, бутун кучини илм-маърифат олишга сарфлагани, олимлар даврасига ўзини уриб, қоронғу кўнглини ёритганини ёзади. Сурати ва сийрати мутаносиб тақводорлар суҳбатига ўзини ургани, Аллоҳдан нажот кутиб бошини саждадан узмагани, поклар хонақосида хизматда бўлгалигини таъкидлайди. Улуғ шоирнинг Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад билан мулоқотлари, учрашувлари Навоий руҳиятининг сўнишига йўл қўймаган. “Маҳбуб ул-қулуб”даги Навоий эътирофи шуни англатадики, Навоий даҳосининг ҳамиша забардаст туришида Хуросон фозилларининг ўрни ва аҳамияти катта бўлган. “Ифлос ва нотавонлиғ ҳангомида, яъни фалокат ва номуродлиғ айёмида гоҳ илм мадорисида сафи ниолда ер туттум, гоҳ уламо мажлисида илм нуридин кўнгулни ёруттум. Гоҳ атқиё масожидида алар қадами етган ерга юз қўйдум ва сажда касратидин манглайим терисини сўйдум. Ва гоҳ сафо хонақоҳи аҳли ибрикиға сув қуймоқ била аржуманд бўлдум”.

Алишер Навоий асарда ўз бошидан ўтказган кўрган-кечирган иш-ташвишларини ошкор қилади. Ўрни келганда, пасткашлар олдида хор бўлгани, разиллар ёнида беэътибор қолганини надомат билан эслайди. Нокаслар орасида ҳурматсизланганини айтади. Маломатга қолган

онларида ёлғизликда гўша тутгани, инсонлардан ўзини узоқлатганини тан олади. Ёлғизликда бемор бўлгани, нохуш кунларни бошидан ўтказганини, “азми Ватан” қилишга мажбур бўлганини таъкидлайди. Навоийнинг Астрободга сургун қилиниши тарихий далил сифатида маълум. “Гоҳ лаимлар олдида хорлиғ ва гоҳ арзоллар олида беътиборлиғ кўрдум. Ва гоҳ ишқ кўйида бебоклик ва одамийкуш паричеҳраларға ҳалоклик даст берди. Ва гоҳ жунун маҳалласида арзол бўйнуғга силлий урдилар ва атфол бошимға тош ёғдурдилар ва гоҳ шаҳрим эли ситамидин ғурбатка туштум ва ғариб халойиққа қўшулдум ва қовуштум. Ва жибол куллеси оромгоҳим бўлди ва гоҳ сахро этоги паноҳим бўлди. Ва гоҳ ғурбатда алил ва ғариб элга залил бўлдум. Гоҳ бу шиддатлардин азми ватан қилдим” .

Навоий ўз билими ва маҳорати, етук истеъдоди туфайли Ҳирот адабий муҳитининг забардаст вакиллари қуршовида бўлгани, улар марҳаматидан файз топгани, уларга ҳамфикр, ҳамроз бўлганлигини фахр билан тилга олади. “Ва гоҳ азизлар хизматидин ўзумни баҳраманд ва сўзумни дилписанд ва аржуманд топтим” .

Навоий очикдан-очик баён этган ушбу кечинмаларини янада аниқроқ, таъсирчан қилиш учун лирик жанрларга мурожаат қилади. Натижада адиб руҳий олами, ҳиссиётлари мисраларда жонланади. Турли бадий санъатлар мужассами шеърлар мазмун-моҳиятини китобхонга равшан етиб боришини таъминлайди.